• *ИҚТИСОДЧИ НУҚТАИ НАЗАРИ*

# МУЛК ЭГАСИ БИЛАН ОБОД

**Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим шартларидан бири мулк ва мулкка дахлдорлик муаммосини ижобий ҳал қилишдир. Бусиз янги шароитда иқтисодиётни бошқаришнинг самарали негизини яратиш мушкул. Чунки мулкка ягона ҳукмронлик сақланиб қоларкан, бозорда рақобат вужудга келмайди.**

Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқаришни марказдан туриб бошқариш ва режалаштиришни инкор қилиб, ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасидаги муносабатларни ўзаро манфаатли асосларда қайта шакллантиради. Аҳоли эҳтиёжи ва талабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни тартибга солиб боради. Охир-оқибатда бозорда истеъмолчи талабининг тўла қарор топишига олиб келади. Мулкчиликнинг янги-янги шакллари таркиб топади. Бу жараён ишлаб чиқарувчининг бозорда эркин ҳаракат қилишини таъминлайди. Нимани қанча миқдорда ишлаб чиқариш ва қаерда сотишни мулк эгасининг ўзи мустақил равишда белгилайди.

Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқарувчи учун фақат икки йўлни тавсия этади: биринчиси — у илғор технологияни жорий этиш ҳисобига барқарор ва тобора кўпайиб борадиган фойдага эга бўлиб, бозордаги рақобатга бардош беради. Иккинчиси шуки, рақобат туфайли иқтисодий таназзулга юз тутади ва бозордаги ҳукмдор мулкдорлар қўлига ўтади. Бозор шароитида ишлаб чиқарувчи "Ўз ўрнинг учун ўзинг кураш" деган ягона қонунга амал қилишга мажбур.

Бозор хўжалигининг марказдан режалаштириш асосида бошқариладиган иқтисодга нисбатан катта ютуғи шундаки, у, аввало, ҳар бир шахс ўз иқтисодиётини тиклашга ижодий ёндашиш, бу борада бор қобилиятини тўла юзага чиқариш имкониятини яратмоқда. Шахснинг ўз меҳнати самарасидан моддий манфаатдорлиги ошмоқда. Энг асосийси — мулкчилик ва хўжалик юритишнинг турли шаклларининг жорий этилиши одамлар онгида мулкка дахлдорлик тушунчасини шакллантирмоқда.

Социализмнинг иқтисодий негизи "ишлаб чиқариш воситалари — халқники, жамоа мулки" деган ақидага асосланарди. Аслида эса мулкнинг ягона эгаси давлат бўлиб, у барча ишлаб чиқариш воситаларини ўз монополиясига айлантирганди. Эндиликда давлат корхоналари, хўжаликларнинг акционерлик жамиятларига айланиши амалда ҳақиқий жамоа мулкини шакллантирмоқда. Лекин аксарият кўпчилик бу жараённи хусусийлаштириш тушунчаси билан чалкаштириб юбормоқда. Ваҳоланки, биз хусусий мулк деганда, аниқ жисмоний шахсга тегишли бўлган мулкни тушунмоғимиз керак. Чунки унга бошқа ҳеч кимнинг дахлдорлиги бўлмайди. Акционерлик жамиятлари, юқорида айтганимиздек, жамоа мулкини ташкил этиб, ҳар бир шахсга ўз маблағига акция сотиб олиш йўли билан шу мулкка дахлдорлигини таъминлайди ҳамда акцияларига даромадлар (дивидендлар) олиб бориш имкониятини яратади.

Тарихимизга назар ташласак, 1925 йилгача Ўзбекистонда мулкчиликни бошқаришнинг акционерлик жамиятлари шакли мавжуд бўлиб, 10 та ишлаб чиқариш корхонаси шу асосда фаолият кўрсатган. Кейин эса "Ишлаб чиқариш воситалари ва молиявий ресурсларни давлат қарамоғига мужассамлаштириш — социализмнинг асосий белгиси" деган шиор остида уларнинг барчаси тугатилиб, мол-мулки давлат тасарруфига ўтказилган.

Ўзбекистонда акционерлик жамиятларини қайта таркиб топтириш, шу муносабатга асосланган мулкчиликнинг бошқарув шаклини кенг кўламда ривожлантириш борасида Президентимизнинг ташаббуси алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бунинг учун сиёсий, ижтимоий, иқтисодий негиз яратилди.

Ҳозиргача бизда асосан хўжалик юритувчи субъектларни ёпиқ акциядорлик жамиятларига айлантириш жараёни давом этиб келаётган эди. Бу дегани — давлат корхонаси, хўжалиги ёки ташкилоти мулкининг аниқ қиймати белгиланиб, унинг маълум қисми акциялар орқали жамоа йиғилиши белгилаган тартиб ва миқдорда ишчи-хизматчиларга сотиларди. Шу йўл билан ҳар бир ишчи-хизматчининг ўша корхона ёки хўжалик мулкига дахлдорлиги таъминланарди. Лекин шу билан бирга, мулкчиликни бошқаришнинг бу шакли учун "Акциядорлар акцияларига оладиган дивидендларини ўз меҳнатлари билан яратишлари керак" деган қоида ҳам жорий қилингани боис ташқаридан бирорта фуқаро корхона ёки хўжаликнинг акцияларини сотиб олиб, мазкур мулкка ўз дахлдорлигини белгилаш ҳуқуқига эга эмасди. Эндиликда очиқ турдаги акциядорлик жамиятларининг вужудга келаётгани эса, ҳар қандай корхона ёки хўжалик мулкига дахлдор акцияларнинг эркин сотилишини таъминлайди. Яъни, мулкка дахлдор акцияларнинг бозорда эркин ҳаракати вужудга келади ва акциялар бир кишидан иккинчи ва ҳоказо шахсларга сотилади. Бу жараён барча фуқароларга акцияларни эркин сотиб олиб, ўз акциялари ҳисобидан даромад қилиб бориш ҳуқуқини беради.

Акциядорлик муносабатларининг жорий этилиши ўз навбатида иқтисодиётни демократиялашда муҳим омил ҳисобланади. Чунки акциядор, биринчидан, мулкка ҳуқуқий дахлдор шахс сифатида ишлаб чиқариш бошқарувида иштирок этади. Иккинчидан, уни ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати бефарқ қолдирмайди. Сабаби — маҳсулот харидоргир бўлса, акциядор тез даромад топади.

Аммо ҳозирча акциядорлик жамиятлари етарлича услубий кўрсатмалар билан таъминланмагани сабабли, фойда тақсимотида номутаносибликлар вужудга келмоқда. Масалан, корхона, ташкилот, чорвачилик фермаси мулкининг маълум бир фоизи акциядорлар яратилган фойда мулкига айлантирилган бўлса-да, шу ерда бутун мулк эвазига акциядорлар томонидан фондларга тақсимланмоқда. Аксарият ҳолларда эса умумий яратилган фойданинг асосий қисми истеъмол, яъни дивиденд фондига сарфланмоқда. Бу келажакда ишлаб чиқариш қувватларининг емирилишига олиб келади. Демак, акциядорлар мулкига айланмаган корхона, ташкилот, чорва фермасининг мулки эвазига яратилган фойданинг асосий қисми уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга ишлатилиши лозим. Дивиденд фонди эса фақат акциядорлар фойдаси ҳисобидан белгиланиши ва бу энг кечи билан йил якунигача акциядорлар ўртасида тақсимланиши шарт.

Албатта, даромад (дивиденд) асосан акциядорлар фойдасининг салмоғига боғлиқ. Улар қанчалик кўп акцияга эга бўлмасин, фойда паст бўлса, дивиденд ҳам шунга яраша бўлади. Шу боис акциядорлар жамиятининг бошқаруви амалда ваъда қилинган дивидендни таъминлаш учун барча имкониятни ишга солиши керак. Акс ҳолда иқтисодий манфаатдорликнинг кескин пасайиб бориши одамларда янгича муносабатларга бўлган қизиқишининг сўнишига олиб келади. Бундай ҳол эса ўз навбатида акциядорлик ҳаракатининг ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Акциядорлик жамиятларига айлантирилган давлат корхоналари, ташкилотлар ва ҳоказо хўжалик юритувчи субъектларда акцияларга тўғри келадиган даромадларни (дивидендларни) ҳисоблаш тартиби қандай бўлмоғи керак? Бизнинг таклифимиз шундай:

1. Корхонанинг асосий ва айланма фонди — 20.000000 сўм.

2. Акциялар қиймати — 2.000000 сўм.

3. Сотилган маҳсулотлар ҳажми (кўрсатилган хизмат, бажарилган иш) — 40.000000 сўм.

4. Ҳар бир сўм фондга тўғри келадиган маҳсулот ҳажми (40.000000:22.000000) — 1,82 сўм.

5. Акциялар қиймати тўғри келадиган маҳсулот ҳажми (кўрсатилган хизмат, бажарилган иш)— (2000000х1,82) — 3 млн.640 минг сўм.

6. Умумий маҳсулот ҳажмидан олинган фойда — 8.000000 сўм.

7. Акциядорлик иштирокида олинган фойда (3 млн 640 мингх8000000:40.000000) — 728 минг сўм.

8. Бюджет тўловлари — 2.000000 сўм.

9. Банкдан олинган кредитлар учун тўловлар — 200 минг сўм.

10. Корхона ихтиёридаги фойда (8000000-2000000-200) — 5 млн. 800 минг сўм.

11. Акциядорларнинг соф фойдаси (5 млн. 800000 х 2000000:22000000) — 527 минг сўм.

12. Акциядорлар фойдасининг тақсимланиши:

12.1. Дивиденд фондига 50 фоиз — 263,5 минг сўм.

12.2. Резерв фондига 5 фоиз — 26,3 минг сўм.

12.3. Ривожланиш фондига (527-263,5-26,3) — 237,2 минг сўм.

Мулкчиликни бошқаришнинг очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари, юқорида айтиб ўтганимиздек, бозорда акцияларнинг эркин ҳаракатини вужудга келтиради. Бу нарса ўз-ўзидан қимматли қоғозлар бозори (фонд биржалари)нинг таркиб топишига замин туғдиради. Чунки мулкчиликка дахлдор ҳар қандай қимматли қоғозларнинг аниқ қиймати фақат бозорда, фонд биржасида ўтказиладиган савдоларда аниқланади. Шунинг учун ҳам фонд биржаси мулкчиликнинг янги-янги турларини таркиб топтирувчи асосий механизми бўлиб ҳисобланади.

Айни вақтда "Тошкент" республика фонд биржасининг фаолият кўрсата бошлаши бизда қимматли қоғозлар бозори инфраструктурасини шакллантириш сари қўйилган дадил қадам бўлди. Энди бу жараённи ривожлантириш учун ушбу биржанинг вилоятларда, шаҳар ва туманларда бўлимларини, брокерлик идораларини таъсис этиш зарур. Ва уларнинг таъсисчилари корхона, хўжалик ёки хусусийлаштириш ташкилотлари бўлиши мумкин. Мазкур бўлим ва брокерлик идоралари ўз таъсисчиларига мунтазам равишда қимматли қоғозлар олди-сотди битишувларидан даромад келтиради. Энг асосийси — бу ташкилий жараён қуйи бўғинларда давлат корхоналари акцияларини сотиш, яъни уларни очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантиришни тезлатади. Бундан ташқари, касод (банкрот)га учраган хўжалик юритувчи субъектлар акцияларини тез ва қулай шароитларда сотиб, уларнинг янги эгаларини топишда ёрдам беради. Бу билан эса касодга учраган ташкилотларда ишлаб чиқариш жараёни узоқ вақт тўхтаб қолишининг олди олинади. Албатта, касодга учраган хўжалик юритувчи субъектларнинг акцияларини асосан шу тармоқ бўйича янги лойиҳа ёки илғор технологияни таклиф этадиган жисмоний ёки ҳуқуқий шахсларга, жамоаларга сотишни эътиборга олиш зарур.

"Тошкент" республика фонд биржасининг жойлардаги бўлимлари ёки брокерлик идоралари хўжалик юритувчи субъектларни очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантириш жараёнида четдан инвесторларни жалб этади ва шу йўл билан ўша корхона ёки хўжаликни молиявий қийинчиликдан қутқаради. Яъни, ушбу корхонанинг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун банкдан катта фоизли кредитлар (қарзлар) олмасдан туриб, молия-кредит сиёсатини амалга оширишга шарт-шароит туғдиради.

Бозор иқтисодиёти инфраструктурасининг асосий ва ажралмас таркибий қисми ҳисобланган фонд биржаси (қимматли қоғозлар бозори) мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида корхоналарнинг оддий акцияларини сотиш йўли билан пул эмиссияси ҳажмини қисқартиради, товар билан таъминланмаган пулни муомаладан чиқариб, миллий валютамиз қадрини оширади.

Қимматли қоғозлар бозорида акциялар бир марта сотилиш билан чегараланмайди. Масалан, хўжалик юритувчи субъектларнинг Низом фондлари ошганда ва бошқа ҳолатларда акцияларнинг қайтадан бошқа-бошқа субъектларда сотилиши амалга оширилади. Бунда маржага, яъни акцияни номининг қиймати билан унинг курси ўртасидаги фарқ эътиборга олинади. Агар бу тафовут плюс бўлса, мулк эгаси фойда, минус бўлса, зарар кўради.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, фонд биржаси резерв банкисиз фаолият кўрсатиши қийин. Бу банк корхона мулкини сотиб олиши ва биржада унинг акцияларини курси бўйича сотишни ташкил этиши мумкин.

Ҳозирги вақтда республикамизда фаолият кўрсатаётган "Тадбиркор" банки фаолияти шу мақсадга йўналтирилса, фойдадан холи бўлмасди. Шунга кўра, ушбу банкнинг Низом фондини акциядорлар мулкига тўлиқ айлантириб, давлат тасарруфидан чиқариш мақсадга мувофиқ.

Одатда бу банк хусусийлаштириш идораси тасарруфида бўлади ва марказий банкка бўйсунмайди. Фонд биржаси савдосида сотилмай қолган акциялар ўша банкда сақланади.

Агар эътибор берган бўлсангиз, сўнгги йилларда қатор тармоқларда янги банклар ташкил этилди. Аммо уларнинг сони кўпайса-да, бозор иқтисодиётини ривожлантириш, молия-кредит, пул тизимини тубдан қайта қуришда пул ҳажмини чеклаш учун кескин чоралар кўриш, пул манбаларини товар манбаларига тенглаштириш борасида ташаббускорлиги сезилмаяпти. Мазкур банкларга ўз ҳудудларида ишлаб чиқаришга тааллуқли илғор ғояларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда мустақиллик етишмаяпти.

Албатта, бунинг ҳам ўз сабаблари бор. Биринчидан, банклар ҳамон тўла давлат тасарруфида бўлиб, улар фақат юқоридан бериладиган кўрсатмалар асосида фаолият кўрсатишмоқда. Иккинчидан, аксарият тижорат банклари ўз даромад-манбаларини юқори фоизли кредит бериш ҳисобига ташкил этмоқдалар. Учинчидан, банк таркибида ишлаётган мутахассисларнинг асосий қисми янги иқтисодий шароитда ишлашга тайёр эмас. Қолаверса, банклар билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида янгича ва ўзаро манфаатли муносабатлар таркиб топгани йўқ.

Биз истаймизми-йўқми, бозор иқтисодиёти банкларни ҳам якка бошқарувдан қутқаришни тақозо этади. Бусиз банклар ўртасида иқтисодий рақобат бўлмайди ва халқ хўжалиги тараққиётига доир илғор таклифларни ҳаётга жорий этиш учун молиявий имконият вужудга келмайди.

Тўғри, ишлаб чиқариш шундай тармоқки, у савдо, тижорат каби мулк эгасига жуда қисқа муддатда мўмай даромад келтирмайди. Бу тармоққа бугун бир сўм сарфласангиз, яна бир-икки йилдан сўнг шунга яраша соф даромад олишингиз мумкин. Шу сабабданми, бизда асосан тадбиркорлар даромад топишда кўпроқ савдо-тижорат соҳасини афзал кўрмоқдалар.

Тадбиркорларни ишлаб чиқаришга кенгроқ тортиш учун уларнинг бу соҳадаги ташаббусини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг аниқ механизмини ишлаб чиқиш керак. Биринчи галда ишлаб чиқариш билан шуғулланувчиларга молиявий ёрдам соҳасида ҳозиргига қараганда ҳам кенгроқ имтиёзлар берилишини жорий этиш зарур. Банклар ишлаб чиқаришга берадиган кредит муддатини шу корхонанинг истиқболидан келиб чиқиб белгиласалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Мамлакатимизда мулкчиликнинг янги шаклларини таркиб топтиришнинг ҳуқуқий асослари, бу жараённи амалга оширишнинг аниқ механизмлари яратилаяпти. Лекин халқимиз онгида мулкка муносабат борасида ҳали эскича тушунча ҳукмдорлик қилмоқда. Бунга сабаб ҳали аксарият одамлар мулкчиликнинг янги-янги шакллари ҳақида етарлича тушунчага эга эмас. Демак, кишиларда мулкка дахлдорлик муносабатларини, мулк олдидаги масъулиятини шакллантириш учун улар ўртасида кенг кўламда тушунтириш ишларини ташкил этиш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Жамиятимизда рўй бераётган ҳар қандай ўзгариш замирида инсон меҳнати, билими, тажрибаси, ташаббуси ётади. Ҳамиша инсон манфаатдорлиги юқори бўлган жойда, унинг меҳнатига муносабати ҳам юқори бўлади. Бугун халқ хўжалигимизда мулкчиликнинг қайси бир шаклини қарор топтирмайлик, шу жойда одамлар манфаатдорлиги энг юқори нуқтага қўйилиши керак. Ўшандагина ҳар қандай мулк шаклининг яшовчанлиги таъминланади. Мулк ўзининг эгасини топган тақдирдагина бундан жамият ҳам, одамлар ҳам моддий манфаатдор бўлишади.

**Баҳодир ОСТОНОВ,**
**иқтисод фанлари доктори, Шаҳрисабз тумани ҳокимининг ўринбосари.**

## Сарвар Олимжонович АЗИМОВ



Ўзбек адабиёти оғир жудоликка учради. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Сарвар АЗИМОВ узоқ давом этган касалликдан сўнг вафот этди.

Сарвар АЗИМОВ 1923 йилда Жиззах шаҳрида туғилди. Тошкент Давлат университетида таҳсил олди. У Ўзбекистон радио қўмитасида, Ўзбекистон Фанлар академиясида, турли давлат ва жамоат муассасаларида масъул вазифаларда ишлади. 1957—59 йилларда Республика маданият вазири вазифасида ишлади. Республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари, Ташқи ишлар вазири лавозимларида хизмат қилди. 1969—74 йилларда Ливанда, 1974—80 йилларда Покистонда элчи вазифаларида фаолият кўрсатди. 1980 йилда у Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси этиб сайланди. Кейин Ташқи ишлар вазири лавозимини эгаллаб турди.

Сарвар АЗИМОВ эл орасида драматург ва адабиётшунос олим сифатида танiқлидир. Унинг "Қонли сароб", "Замон драмаси", "Юлдузлар жамоли" драмалари саҳналаштирилган. "Кўзлари чўлпон" қиссаси нашр этилган. У кинодраматургияда ҳам қалам тебратган. Унинг сценарийлари асосида "Оппоқ тонг қўшиғи", "Ватан фарзандлари", "Ойдин саҳифалар" фильмлари суратга олинган. Сарвар АЗИМОВ катта адабиётшунос олим, бир неча тадқиқотлар ва дарсликларнинг муаллифидир.

Сарвар АЗИМОВ бир неча орден ва медаллар, Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони билан тақдирланган.

Таниқли жамоат арбоби, ёзувчи ва олим Сарвар АЗИМОВнинг хотираси қалбимизда узоқ яшайди.

**Бир гуруҳ ўртоқлари.**

• *Пиру бадавлатларимиз*

# БОҒБОН

**Бу хонадонга не-не одамлар келмаган. Баъзилар Абдужаббор ота парваришлаётган ишкомлардаги узумлар таърифини эшитиб бир кўриш иштиёқида бўлса, кўпчилик боғдорчилик-узумчилик соҳасида ундан йўл-йўриқ, маслаҳат олгани келишади. Ҳаммани отахон юзида табассум билан қарши олади. Сўраганларга узумга ишлов бериш, парваришлаш тўғрисидаги бор ҳаётий тажрибасини қўшиб дастурхон ёзади. Дастурхонга, албатта, қишин-ёзин ишкомдан янги узилган ҳусайни қўйилади.**



Тўрақўрғон туманининг Хўжанд қишлоғидаги — Абдужаббор Юсуповнинг хонадонидамиз. Йигирма сотихдан зиёд келадиган ҳовли тўла узумзор. Ишкомлардаги ҳусайни, чарос каби узумлар офтобда олтин рангда товланиб, кўзни қамаштиради. Бу ердаги 100 тупга яқин токнинг ҳаммаси алоҳида навларга ажратилиб, қизларнинг сочидек таралган. Отахон билан узумзор айланиб юрарканмиз, у ҳар туп ток ёнида тўхтаб унинг нави, ҳосилдорлиги, қай вақтда кўмилиши ҳақида берилиб гапиради. Маълум бўлишича, ҳар бир навнинг ўзига хос ишлов бериш усули ва маълум бир вақти бўлар экан. Суҳбатимизни давом эттириш учун ҳовли саҳнидаги сўрига ўтирдик. Дастурхон ёзилиб, тандирдан янги узилган иссиқ нон олиб келинди. Абдужаббор ота эса ёнимизда турган нарвондан енгил кўтарилиб ишкомдан икки бош узум узиб, ювиб дастурхонга қўйди.

— Отамиз 90 ёшга кирган бўлсалар ҳам ҳали тетик. Кўп юмушларни ўзлари бажариб, бизни хижолатда қолдирадилар, — дейди ўғли Комилжон бир оз ўнғайсизланиб. — Тонг саҳарда нонга шудринги кетмаган узумни қўшиб нонушта қилади-да, узумзор оралаб кетади. Бирорта новда шамолда қийшайиб қолган бўлса ҳам уни эринмай бориб тўғрилайди. Узумларни хомток қилиш, кузда кўмиб, баҳорда очиш каби барча ишларга ўзлари бош-қош бўладилар.

Ҳовлидаги узумзордан неча тонна ҳосил олиниши билан қизиқдик.

— Ҳар йили 4 тонна атрофида узум етиштирамиз, — дейди Комилжон ака. — Аммо даромади қанча бўлишини ҳисобламаганмиз. Боғбонлик бизга ота мерос касб бўлганидан уни қадрлаш, қолаверса, оила аъзоларимиз, қариндош-уруғларимиз ва маҳалла-кўйни ўз меҳнатимиз маҳсули билан таъминлаш мақсадида узум ўстирамиз. Тўғри, баъзида эҳтиёжимиздан ортиб қолганини бозорга ҳам олиб чиқамиз. Бу ҳол кўпроқ қиш чиқиб, баҳор бошланган — илик узилди пайтларига тўғри келади.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов Фарғона водийси бўйлаб қилган сафари давомида ушбу хонадонга ҳам ташриф буюриб, Абдужаббор отанинг оилавий шароити, узумчилик соҳасидаги тажрибаси билан қизиққан ва унинг меҳнатларини муносиб баҳолаб, енгил автомашина совға қилган эди. Яқинда Абдужаббор отага совға қилинган автомобилни топшириш маросими бўлди. Унда вилоят, Тўрақўрғон туман ҳокимликлари вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этдилар.

— Юртбошимиз келиб хонадонимиз, бутун маҳалламиз нурга тўлди. Эл-юрт ташвишидан ортиб, биз каби кексалар, қишлоқ меҳнаткашлари ҳолидан хабар олгани келган ва камтарона меҳнатимизни юқори баҳолаган Президентимиз ҳамиша омон бўлсин, Ватанимиз тинч, обод бўлсин, — дея кўзларида қувонч ёшлари билан Абдужаббор ота Юсупов дуога қўл очди. Йиғилганлар ҳам унга қўшилишди.

**Абдуҳошим МАДАТОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**Суратда: Абдужаббор ота ЮСУПОВ.**

**Б. СОЛИЕВ олган сурат.**

• Кўнгил дафтари

# МЕҲР ТУЙДИМ

### СИЗДАН СЎРОҚСИЗ

*Онажон, сиздан гизлаб ҳеч иш қилганим йўқ,*
*Эгри йўлни равон деб асло юрганим йўқ.*
*Ҳатто дилимга доғлик йўй ҳам сурганим йўқ,*
*Фақат бир иш қилдим сиздан сўроқсиз.*

*Нечалар атрофимда бўлди парвона,*
*Бири шунчаки, бири зўр ишқ-ла девона.*
*Мен эса қарамадим қайрилиб у ёна,*
*Фақат бир иш қилдим сиздан сўроқсиз.*

*Ким эди у — юрагим қулфини бузди ногоҳ.*
*Дилгинамга қадалди меҳрга тўла нигоҳ,*
*Мен гумроҳман, билмадим — савоб бу ё гуноҳ?*
*Ўшал меҳрни туйдим сиздан сўроқсиз.*

*Воажаб, тошлардан ҳам турфа гуллар унди,*
*Минг йиллик ғурурнинг ҳам бўйинлари синди.*
*Қизингиз бир йигитга фидодир энди*
*Она, мен... мен севдим сиздан сўроқсиз.*

### СЕН КЕТДИНГ...

*Сен кетдинг қайтмас бўлиб ҳеч қачон,*
*Булутлар тўкди кўздан ёшини.*
*Юраккинамни ўртади армон,*
*Қайтгин, демадим эгиб бошимни.*

*Сен кетдинг севгинг саробга отиб,*
*Еллар тўзғитди бор бардошимни.*
*Ўтинчлар қолди киприкда қотиб,*
*Лек ёлбормадим эгиб бошимни.*

*Сен кетдинг. Беун йиғлади юрак,*
*Ўйлар саробга айланди бир-бир.*
*Тиз чўкиб шафқат сўради фалак,*
*Аммо билмадим мен шафқат надир.*

*Бугун юракка айланди ҳижрон,*
*Армонлар ҳадя қилди-ку тақдир.*
*Ҳамон ишқинг юрагимда пинҳон*
*Қалбнинг севишга ҳаққи бор ахир...*

***

*Тунларим ёруғ эди кундузлардан,*
*Меники эди бу еру осмон бари.*
*Сени қуёш деб кечдим юлдузлардан,*
*Ойнинг кўксидан итардим нари.*

*Онажон, дедим, унинг меҳри оташ,*
*Ул оташ босган қадамларимга жо*
*Дея кетдим мен — йўлларимда қолди,*
*Маъюс термулган минг битта илтижо.*

*Ўт бўлиб ёнмоқ истадим тафтингда,*
*Ногоҳ совуқдан титраганда танам.*
*Сезмадим шамча илиқлик кафтингда*
*Юрагинг **МУЗ УЙ** экан энди билсам.*

*...Ойни ахтардим ўпмоқ бўлиб изин,*
*Ул ҳам беркитди булутлар-ла юзин...*

### ИНТИЗОР ОНА СЎЗИ

*Кўзларим нурин йўлингга тўкдим-ку,*
*Бор ҳаловатим умрингга тикдим-ку,*
*Сувга йиқилсанг, аввал мен чўкдим-ку,*
*Нечун мени излаб бир келмайсан, болам?*

*Кўзим ёшидан дунё ҳўл бўлди-ей,*
*Чексиз саҳролар тўлиб кул бўлди-ей,*
*Оҳ тортганимда гулзор чўл бўлди-ей,*
*Нечун мени излаб бир келмайсан, болам?*

*Сен учун ярим нафасга тўяман,*
*Ҳатто ҳавони сенга деб қўяман,*
*Соғинсам йиғлаб, суратинг суяман,*
*Нечун мени излаб бир келмайсан, болам?*

*Ой, йиллар бўлди кўрмадим бўйингни,*
*Гоҳо эслолмайман рангинг-рўйингни.*
*Жоним, бўзлайман билмай фикр-ўйингни.*
*Нечун мени излаб бир келмайсан, болам?..*

**Саодат МАТЁҚУБ қизи.**

# КЎРКИГА КЎРК ҚЎШДИ

(ФОТОРЕПОРТАЖ)








*Задарё туманига борганмисиз? Афсус. Мабодо йўлингиз тушиб қолса бир кириб ўтинг. Пушаймон бўлмайсиз. Аксинча, бу ердаги муҳташам, миллий услубда қурилган биноларни кўриб дилингиз яйрайди. Ҳа, бундан уч-тўрт йил илгари бу нарсалар йўқ эди. Албатта, мустақиллик шарофати-да. Қишлоқдаислоҳотлар бошлангач туман раҳбарлари аҳолига маиший хизмат кўрсатишни қандай қилиб яхшилаш хусусида бош қотиришди. Ниҳоят бир қарорга келишди. Аввало қишлоқларни туман маркази билан боғловчи автошоҳбекат тикланди. Ҳозир у ерда ҳар соатда неча юзлаб йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти яралди. Кутиш зали, она ва бола, ҳайдовчилар учун дам олиш хоналари мунтазам ишлаб турибди.*

*Миллий услубда қурилган деҳқон бозорини айтмайсизми? Йилнинг қайси фасли бўлишидан қатъий назар усти ёпиқ пештахталар сотувчи ва харидорлар хизматида. Ахир, буларнинг барчаси эл-юрт фаровонлиги йўлида қилинаётган ишлар. Дарҳақиқат, булар шаҳар кўркига кўрк қўшаяпти.*

*СУРАТЛАРДА: Деҳқон бозори; янги фойдаланишга топширилган автошоҳбекат; "Амир Темур" номли жамоа хўжалиги ижарачиси Абдуваҳоб Хўжамбердиев режадан ташқари етиштирилган тарвузларни сотаяпти.*

**Т. ҲАМРОҚУЛ тасвири.**

• Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт •



### ДУНЁ «ЮЛДУЗ»И ТРАМПЛИНГА ҚАЙТАДИМИ?

***Эндиликда нафақат Ўзбекистоннинг, балки жаҳон спортининг "юлдуз"и саналган фристайлчимиз Лина Черязованинг Америкадаги машғулотлар пайтида жиддий жароҳат олганлигини ва АҚШда шифо олаётганлигини хабар қилган эдик.***

Лина соғайиб, Тошкентга қайтиб келди. Албатта, спорт мухлисларини Линанинг келажакда катта трамплинга чиқишчиқмаслиги жуда қизиқтиради. Чунки қишда фристайл бўйича жаҳон кубоги баҳслари ўтказилади. Унда машҳур спортчимиз яна қатнашиб, Ўзбекистон байроғини жаҳон узра баланд кўтаради, деган умиддамиз. Ҳар ҳолда Лина кучли ирода эгаси эканлигини яна бир бор намойиш этиб, аввалгидек машғулотларга киришиб кетди.

### БЕЛЬГИЯДА ЭЛМУРОД НУРОХУНОВ ОЛТИН МЕДАЛЬ ОЛДИ

***Таэквандо (ИТФ) бўйича Бельгияда ўтказилган мамлакат очиқ биринчилигида ҳамюртларимиз муваффақиятли қатнашишди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу чемпионатда Осиё қитъаси бўйича фақат бизнинг мамлакат спортчилари баҳсга киришиб, биттадан олтин ва кумуш, иккита бронза медалини қўлга киритишди.***

Таэквондочиларимиз орасида Элмурод Нурохунов бошқаларга нисбатан яхшироқ натижага эришди. У "тил", яъни махсус машқларни бажариш бўйича Бельгия очиқ биринчилигининг олтин медалига сазовор бўлди. Спарринг бўйича эса бронза медалини қўлга киритди.

71 кг. вазнлилар беллашувида ҳамюртимиз Тўлқин Расулов кумуш медаль билан тақдирланди. Айнан шу вазн тоифасида қатнашган яна бир юртдошимиз Александр Тенга эса бронза медали насиб қилди.

Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Польша ва Голландиядан сўнг фахрли учинчи поғонага кўтарилди. Ушбу турнир таэквондочиларимиз учун профессионаллар ўртасида ўтказиладиган анъанавий Санк-Петербург халқаро турнири олдидан ўзига хос кўрик вазифасини ўтади.

### ҲАМЮРТИМИЗ — ЧЕМПИОН

***Спортнинг биллярд тури йилдан-йилга жаҳонда оммавийлашиб боряпти. Кейинги йилларда бу спорт тури бўйича йирик халқаро турнирлар ташкил этиляпти.***

Москвада ўтказилган жаҳон чемпионати ушбу турнирларнинг, албатта, энг нуфузлиси бўлди. Шуниси қувончлики, унда мамлакатимизнинг ҳам учта вакили қатнашди. Тошкентлик Дмитрий Хан республикамиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, жаҳон чемпиони бўлди.

**Р. ЭРМУҲАММАД,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



*"Тошкентвино" заводи қошидаги бир неча йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган соғломлаштириш марказида нафақат ишчилар, балки соғлом ва бақувват бўлиш истагида келганлар, ўзларини спортга бағишлаган ёшлар ҳам йиғилишади. Бу ерда улар учун барча шарт-шароитлар мавжуд.*

*Соғломлаштириш марказига машҳур спорт усталари ҳам тез-тез ташриф буюриб, ёшларга маслаҳат бериб туради. Бокс билан машғул бўлганлар орасида эса таниқли боксчи, жаҳон чемпиони Руфат Рисқиевни учратиш мумкин.*

*СУРАТДА: ёш боксчи Нуриддин Фахриддинов хизмат кўрсатган спорт устаси Руфат Рисқиевдан сабоқ олаётир.*

**ЎзА.**

• Бу ажиб дунё

## ЗАМОНАВИЙ РОБИНЗОН

Харковлик 64 ёшли "Робинзон"ни маҳаллий аҳоли оддий қилиб Володя дея аташади. Замонавий Робинзон бундан 14 йил олдин ўз тақдирини ўрмонга бахшида этган эди.

Унинг биргина йўлдоши — содиқ ити Мурзадир. Улар фақат дарё ва ўрмон тақдим этган насиба билан кун кўришади. Маҳаллий халқ Володянинг аҳён-аҳёнда табиат инъоми — қўзиқорин ва балиқларни кишиларга консерва эвазига алмашганини эътироф этишмоқда. Одатда эса харковлик Робинзон ҳеч ким билан мулоқотда бўлмайди. Бу дунёнинг ишлари уни тамоман қизиқтирмайди.


## АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

1 ноябрдан бошлаб халқаро ва шаҳарлараро телефон ва телеграф алоқалари хизмати учун янги тарифлар жорий этилади.

**Марказий Осиё давлатлари.**
***(Қозоғистон, Тожикистон, Қирғистон, Туркманистон)***
*Бир дақиқа сўзлашув қиймати - 4 сўм 80 тийин.*
**Телеграммадаги бир сўз қиймати:**
*аҳоли учун*
*одатий -60 тийин.*
*шошилинч -1 сўм 20 тийин.*
*корхоналар учун*
*одатий -1 сўм 20 тийин.*
*шошилинч - 2 сўм 40 тийин.*

**Россия, Украина, Белорусь, Молдова, Арманистон, Грузия, Озарбайжон.**
*Бир дақиқа сўзлашув қиймати - 8 сўм.*
**Телеграммадаги бир сўз қиймати:**
*аҳоли учун*
*одатий - 1 сўм.*
*шошилинч -2 сўм.*
*корхоналар учун*
*одатий - 2 сўм*
*шошилинч - 4 сўм*

**ОВРУПО.**
***(Шу жумладан Латвия, Литва, Эстония).***
*бир дақиқа сўзлашув қиймати - 36 сўм.*
**Телеграммадаги бир сўз қиймати:**
*аҳоли учун*
*одатий - 4 сўм 80 тийин.*
*шошилинч - 9 сўм 60 тийин.*
*корхоналар учун*
*одатий - 9 сўм 60 тийин.*
*шошилинч - 19 сўм 20 тийин.*

**Осиё.**
*Бир дақиқа сўзлашув қиймати - 45 сўм.*
**Телеграммадаги бир сўз қиймати:**
*аҳоли учун*
*одатий - 4 сўм 80 тийин.*
*шошилинч - 9 сўм 60 тийин.*
*корхоналар учун*
*одатий - 9 сўм 60 тийин*
*шошилинч - 19 сўм 20 тийин.*

**Африка, Америка.**
*Бир дақиқа сўзлашув қиймати - 50 сўм.*
**Телеграммадаги бир сўз қиймати:**
*аҳоли учун*
*одатий - 4 сўм 80 тийин.*
*шошилинч - 9 сўм 60 тийин.*
*корхоналари учун*
*одатий - 9 сўм 60 тийин.*
*шошилинч - 19 сўм 20 тийин.*

**Австралия.**
*Бир дақиқа сўзлашув қиймати - 60 сўм.*
**Телеграммадаги бир сўз қиймати:**
*аҳоли учун*
*одатий - 4 сўм 80 тийин.*
*шошилинч - 9 сўм 60 тийин.*
*корхоналар учун*
*одатий - 9 сўм 60 тийин.*
*шошилинч - 19 сўм 20 тийин.*

**Ўзбекистон Республикаси.**
**Бир дақиқа сўзлашув қиймати:**

| Йўналиш | аҳоли учун | ташкилотлар учун |
|---|---|---|
| Андижон вилояти | 0,60 сўм | 1,20 сўм |
| Жиззах вилояти | 0,60 сўм | 1,20 сўм |
| Намаган вилояти | 0,60 сўм | 1,20 сўм |
| Самарқанд вилояти | 0,60 сўм | 1,20 сўм |
| Сирдарё вилояти | 0,60 сўм | 1,20 сўм |
| Фарғона вилояти | 0,60 сўм | 1,20 сўм |
| Тошкент вилояти | 0,60 сўм | 1,20 сўм |
| Бухоро вилояти | 1,20 сўм | 2,40 сўм |
| Қорақалпоғистон | 1,20 сўм | 2,40 сўм |
| Қашқадарё вилояти | 1,20 сўм | 2,40 сўм |
| Навоий вилояти | 1,20 сўм | 2,40 сўм |
| Сурхондарё вилояти | 1,20 сўм | 2,40 сўм |
| Хоразм вилояти | 1,20 сўм | 2,40 сўм |

**Телеграммадаги бир сўз қиймати:**
*аҳоли учун*
*одати - 40 тийин.*
*шошилинч - 2 сўм.*
*корхоналар учун*
*одатий - 70 тийин.*
*шошилинч - 2 сўм.*

*Автоматлаштирилган йўналишларда телефонистлар орқали буюртма беришда сўзлашув қиймати икки баравар ортади.*

*Шаҳар абенентларига шунингдек, меҳмонхоналардан қунғироқ қилинганда курсатиладиган кредит хизмат учун қушимча 80 тийин ҳақ олинади.*

***"Узбектелеком" концерни.***



**"РАФ"**
**заводининг расмий дилери тавсия этади:**
**"РАФ" микро автобуслари (йўловчилар ташувчи, "тез ёрдам", "люкс" ва эҳтиёт қис млар).**
**Баҳоси завод нархида.**
**Тошкентдаги ваколатхона**
**тел.: 44-25-78, 44-22-85.**
**Ригадаги тел.: 8-0321-28-66-36, 28-15-26.**



**Корхона, ташкилот ва савдо ташкилотлари диққатига:**

***"ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ" уюшмасига қарашли Қўқон пайабзал фабрикаси очиқ типдаги Қўқон пайабзал ишлаб чиқариш "МАДИНА" акцияли жамиятига айлантирилди.***

*Истеъмолчи ва таъминотчилар олдидаги илгариги мажбуриятлари сақланиб қолади.*

*Барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.*

**Маълумот учун телефонлар:**
**8-(373-55), 3-74-43, 3-73-00, 2-20-33.**





ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.**

• *БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Қишлоқ хўжалиги 32-07-94;*
*Иқтисодиёт 32-36-65;*
*Маънавият 32-35-60;*
*Ахборот 32-29-89;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*

**• МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.**

**Навбатчи муҳаррир — Р. Жумаев.**
**Навбатчи — Ф. Бобо Дўст.**

Рўйхатдан ўтиш тартиби №0001 Буюртма Г. — 1244 71326 нусхада босилди, ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А – 2

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

**Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.**

**Босишга топшириш вақти — 21.00.**
**Босишга топширилди — 19.50.**

1 2 3 4 5 6